

ЎЗБЕКИСТОН АМАЛИЁТИДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ САЙЛОВЛАРДАГИ ИШТИРОКИ

М.Ш.Шаюсупова

Тошкент давлат юридик университети

мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11120569>

Давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайловлар мамлакатда фаолият олиб бораётган ҳар бир фуқаролик жамияти институти учун муҳим аҳамият касб этиши табиий. Бунини эса сайловлар натижасига кўра ҳокимиятга келадиган сиёсий куч томонидан амалга ошириладиган ислохотларда уларнинг ҳам манфаатлари ифодаланиши билан изоҳлаш мумкин. Шу нуқтаи-назардан сайловларнинг очиқлик ва шаффофлик билан ўтиши, сайловчиларнинг фаол иштироки, сиёсий ҳокимиятга муносиб номзодларнинг келишида фуқаролик жамияти институтларининг фаол иштироки ўзининг ижобий самарасини беради, деб баҳолаймиз.

Фуқаролик жамияти институтларининг сайловлардаги иштирокини муносиб баҳолашда, энг аввало, фуқаролик жамияти институтларининг ўзини аниқлаштириб олиш, уларнинг аниқ доираси, турлари, фаолиятининг мазмун-моҳиятини белгилаб олиш лозим бўлади. ***Бугунги кунда, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда фуқаролик жамияти институтларига аниқ таъриф берилмаганлиги уларнинг сайловлардаги иштироки, фаоллиги ҳамда кўрсаткичларига аниқ баҳо беришни мураккаблаштирмоқда.***

Республикада сайлов жараёнларида фуқаролик жамияти институтларидан фақат ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда сиёсий партиялар фаол иштирок этиб келишган. Қолган фуқаролик жамияти институтларининг сайловлардаги фаоллигини баҳолаш эса уларнинг аниқ таърифи норматив ҳужжатларда ўз ифодасини топмаганлиги сабабли ўзига хос муаммоли ҳолатлардан бири ҳисобланади.

Айниқса, сайловларнинг шаффофлик, очиқ ва ошкоралик билан ўтказилишида жамоатчилик назоратини амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларининг фаол иштироки муҳим аҳамият касб этади. Тадқиқотимиз доирасида ўтказилган махсус сўровномада “Сизнингча, нодавлат нотижорат ташкилотларининг сайловлардаги иштироки етарлими?” деб қўйилган саволга респондентларнинг 20,1 фоизи қонунда ваколатлари бор, бироқ ишламайди деб ҳисоблашган бўлса, 8,9 фоизи уларнинг иштироки чекланган деб баҳолашган. Респондентларнинг 28,1 фоизи эса жавоб беришга қийналишини таъкидлашган. Сўровнома натижаларини умумлаштирадиган бўлсак, 57,1 фоиз респондентлар нодавлат нотижорат ташкилотларининг сайловлардаги иштирокини етарли деб баҳолашмаган. Бу эса, фуқароларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти билан яқиндан таниш эмаслиги, уларнинг куч, восита ва имкониятларига етарлича баҳо бера олмаётганлиги, айни вақтда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўз фаолиятлари, хусусан сайлов жараёнларидаги иштирокига оид маълумотлардан фуқароларни етарлича хабардор қила олмаётганлиги каби муаммолар мавжудлигини намоён қилади.

Сайлов жараёнларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда жамоатчилик назоратининг муҳим субъектларидан бири сифатида фуқаролик жамияти институтларининг куч,

восита ва имкониятларини эътиборга олган ҳолда уларнинг сайловлардаги иштирокини янада кенгайтириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Маълумки, республикамизда сайлов якунлари бўйича хорижий мамлакатлардан, нуфузли халқаро ташкилотлардан кузатувчилар ўз кузатувларига оид ҳисоботларни баён қилиб боришади. Жумладан, халқаро кузатувчилар томонидан республикамизда 2019 йил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар натижаларига оид ҳисоботда фуқаролик жамияти институтларининг сайловлардаги иштирокига оид муаммолардан бири баён қилинган. Қайд этилишича, **сайлов кодексида сайлов жараёнини жамоат кузатувчиси кузатиши белгиланган, лекин бу мақом фақатгина фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи бўлмиш ва сайловолди жараёнининг турли босқичларида қатнашган “Маҳалла” қўмиталаридан кузатувчилар билан чекланган¹.**

Фуқаролик жамияти институтларидан бири сифатида маҳалла институти сайлов участка чегарасини белгилашда, сайловчилар рўйхатини тузишда ва текширишда, сайловолди тарғибот ва ташвиқот тадбирларини ташкиллаштиришда ёрдам кўрсатади. Фуқаролик жамияти институтининг бу кўп қиррали фаолияти мустақил кузатувчи сифатида фаолиятига таъсир қилиши, манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқариши мумкинлигини ҳам назардан четда қолдирмаслик лозим. Мисол тариқасида сайловолди тарғиботларида, номзодлар билан сайловчилар учрашувларининг ташкилий томонларида, сайловчиларни номзодлар билан учрашувларга жалб қилишда турлича ёндашувлар кузатилиши мумкин.

Мазкур муаммоли ҳолат, ўз навбатида, хорижий мамлакатлар кузатувчилари томонидан ҳам қайд этиб ўтилган. Бизнингча, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари сайлов кампанияси даврида ташкилий масалаларга жалб қилиниши, ўз навбатида, уларнинг мустақил кузатувчи сифатидаги ролига салбий таъсир кўрсатади. Чунки сайлов кампанияси давридаги ташкилий вазифалар, хусусан овоз бериш кундаги ташкилий масалалар унга масъул субъектлардан катта куч ва воситаларни жалб қилишни тақозо қилади. Шундан келиб чиққан ҳолда фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларининг сайлов кампанияси давридаги ташкилий масалалардаги роли енгиллаштирилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Таъкидлаш жоизки, фуқаролик жамияти институтларининг сайловлардаги иштирокининг муҳим йўналишларидан бири кузатувчи сифатида иштирок этишдир. Сайлов жараёнлари эса нафақат шаҳар ҳудудларида, балки бутун республикада, олис ҳудудларда ҳам бирдек олиб борилади. Фуқаролик жамияти институтларининг асосан шаҳарларда ташкил қилинганлиги ҳамда фаолияти шаҳарларда олиб борилиши, шунингдек уларни қишлоқ ҳудудларидаги сайлов жараёнларига жалб қилиш моддий харажатларни талаб қилиши қишлоқ жойларида бўлиб ўтадиган сайлов жараёнларида кузатувчи сифатида қатнашишларини мураккаблаштиради.

2016 йилнинг сентябрь-декабрь ойларида юртимиздаги Президентлик сайлови кампаниясини кузатган ЕХХТ/ДИИХБ миссияси ҳам сиёсий партияларнинг дастурларида бир хиллик сезилиб турганлиги, улар ўртасида ўзаро рақобатнинг етарли

¹ Ўзбекистон Республикаси Парламент сайловлари, 22 декабрь 2019 йил. ДИИХБ Сайловни кузатиш бўйича миссиясининг якуний ҳисоботи. Варшава, 2020 йил, 13 май. Б.-4.

даражада эмаслигини қайд этиб ўтган². Сиёсий партиялар фаолиятининг давлат томонидан молиялаштирилиши тизими ҳам сиёсий партияларнинг мустақил фаолият юритишига муайян даражада салбий таъсир кўрсатадиган омиллардан бири ҳисобланади.

Қайд этиш жоизки, айтилиши ва ҳукумат томонидан фуқаролик жамияти институтларига, айтилган сиёсий партияларга эътибор сайлов кампанияси даврида талаб даражасида бўлади.

Маълумки, сайлов кампанияси сиёсий партияларнинг фуқаролар, яъни сайловчилар билан бевосита мулоқотининг энг фаол даври ҳисобланади. Айтилиши ва сайловчилар ҳам айтилиши сайлов кампанияси даврида сиёсий партия вакиллари, номзодлари билан учрашувларда сиёсий партиялар томонидан амалга оширилган ишлар, эришилган реал натижаларга қизиқиб, ушбу мазмунда саволларни илгари суришади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексида Марказий сайлов комиссиясининг ваколатлари қайд этилган бўлиб, унга кўра Марказий сайлов комиссияси бошқа мамлакатларнинг сайлов органлари, халқаро ташкилотлар ва чет давлатларнинг вакиллари билан халқаро ҳамкорликни амалга ошириши, учрашувлар ташкил этиши, битимлар ва меморандумлар тузиши, шунингдек халқаро ташкилотларни, чет давлатларнинг сайлов органларини ва вакилларини сайловларни кузатиш учун таклиф этиши белгиланган бўлиб қўйилган. **Бироқ, айтилиши ушбу йўналишларда маҳаллий нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ижтимоий ҳамкорлик назарда тутилмаган.**

Сайлов кодексида Марказий сайлов комиссиясининг “жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари билан алоқаларни мустаҳкамлайди ва ривожлантиради”, деб белгиланган ваколати эса тор доирада ифодаланган бўлиб, айтилиши ва чет давлат нотижорат ташкилотлари билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйишни, улар билан меморандумлар имзолашни, шу билан бирга нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларини сайловларни кузатиш учун таклиф этишни қамраб олмайди.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг сайловларда етарли даражада фаол иштирок этмаслиги айтилиши Марказий сайлов комиссияси ва бошқа давлат идоралари томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларининг сайловлардаги иштирокига етарли даражада эътибор қаратилмаслиги билан узвий боғлиқ. Қайд этиб ўтганимиздек, энг аввало, унинг ҳуқуқий асослари ҳали-ҳануз ишлаб чиқилмаган.

Тадқиқот давомида ўрганилган сиёсий партиялар томонидан фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан имзоланган ҳамкорлик меморандумлари ҳам кўп ўринларда муайян тадбирларни ҳамкорликда ўтказишни назарда тутиши, сайлов жараёнларини самарали ҳамда шаффоф ўтказилишига доир меморандумлар амалда етарли даражада бажарилмаслиги каби муҳим масалаларни ҳам қайд этиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Қайд этиб ўтилган муаммоли масалалар сайлов қонунчилигида нодавлат нотижорат ташкилотларининг сайловларда иштирокига оид ҳуқуқий нормалар лозим даражада қабул қилинмаганлиги, нодавлат нотижорат ташкилотларини сайловлардаги фаоллигини рағбатлантирувчи нормалар етарли эмаслигини кўрсатади.

² Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов Комиссияси Ахборотномаси, 2017, №1-2, Б.-125.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайловлар мамлакатда фаолият олиб бораётган ҳар бир фуқаролик жамияти институти учун муҳим, чунки сайлов натижасига кўра ҳокимиятга келадиган сиёсий куч томонидан амалга ошириладиган ислохотларда уларнинг ҳам манфаатлари ифодаланади. Шундан келиб чиққан ҳолда нодавлат нотижорат ташкилотларида фаолият олиб бораётган кадрлар мониторингини юритиш, шу билан бирга нодавлат нотижорат ташкилотларида фаолият олиб боришга ихтисослашган кадрларни тайёрлаш долзарб вазифалардан бири сифатида баҳоланиши мақсадга мувофиқ.

Мисол тариқасида сайлов жараёнларида фуқароларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари ишларида ўз ихтиёрлари билан кўнгилли (волонтёр) тарзда жалб этилиши ҳам етарли эмаслигини қайд этиб ўтишимиз мумкин.

Юқорида қайд этиб ўтилган муаммолардан ташқари оммавий ахборот воситаларининг мустақиллиги, ахборотлашган ва «рақамли» жамиятни шакллантириш, оммавий ахборот воситаларининг ўзини ўзи бошқариш институтларини ривожлантириш каби масалаларнинг ижобий ҳал қилиниши ҳам сайлов жараёнлари фуқаролик жамияти институтларининг фаол иштирокини таъминловчи воситалардан бири эканлигини қайд этиб ўтиш лозим.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Парламент сайловлари, 22 декабрь 2019 йил. ДИИХБ Сайловни кузатиш бўйича миссиясининг якуний ҳисоботи. Варшава, 2020 йил, 13 май. Б.-4.
2. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 25.06.2019й., 03/19/544/3337.
3. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ахборотномаси, 2017, №1-2, Б.-125.